

ФАҚАТГИНА БИРГАЛИКДА КОРРУПЦИЯНИ ЙЎҚ ҚИЛА ОЛАМИЗ.

Юлдошев М.М

Жиззах туманлараро маъмурий суди судъяси:

Коррупция мураккаб ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳодиса бўлиб, у маълум даражада барча мамлакатларга таъсир қилади.

Айнан коррупция демократик институтларни йўқ қилишга сабаб бўлади, иқтисодий ривожланишни секинлаштиради ва кўпинча давлат пойдеворига путур етказди.

БМТ маълумотларига кўра, дунёда йиллик пора миқдори

1 триллион долларни ташкил қилади. Коррупция натижасида жаҳон иқтисодиёти ҳар йили 2,6 триллион доллар йўқотади – бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 5 фоиздан ортиғини ташкил қилади. Шу билан бирга, мамлакатлар коррупцияга қарши курашар экан, давлат даромадлари узоқ муддатли истиқболда тўрт баробарга ортади.

9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни сифатида 2004 йилдан бери ҳар йили нишонлаб келинмоқда. 2003 йилнинг шу куни Мексиканинг Мерида шаҳрида юқори даражадаги сиёсий конференцияда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2003 йил 1 ноябрда қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция давлатлар томонидан имзолаш учун очиқ деб эълон қилинди. Ушбу кунни нишонлашдан мақсад коррупция муаммосини тубдан тушуниш ва Конвенциянинг коррупция билан курашиш ва унинг олдини олиш борасидаги аҳамиятини англаб етишдан иборатдир.

Коррупцияга қарши кураш БМТнинг 17 та мақсад ва 169 та вазифадан иборат 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига киритилган. Коррупция ва порахўрликнинг барча кўринишларини сезиларли даражада камайтириш масаласи “Тинчлик, адолат ва самарали институтлар” деб номланган 16-мақсаднинг асосий вазифаларидан биридир.

Коррупция жамоат тартибини бузади ва аҳолининг давлатга ва келажакка ишончини йўқотади. Шу орқали уюшган жиноятчилик, терроризм ва инсон ҳавфсизлигига таҳдид соладиган бошқа таҳдидларнинг ривожланишига имконият яратади.

Коррупция мамлакат бойлигининг пасайишига ва турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Коррупция натижасида иқтисодий ўсиш суръатларини, ялпи миллий маҳсулот таркиби ва сифатини белгилайдиган кичик бизнес эгалари кўпинча “олдиндан бўладиган харажатлар”га дуч келадилар. Оқибатда мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши секинлашади, халқнинг турмуш даражаси ёмонлашади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ коррупцияга қарши мурасасиз кураш олиб бормоқда ва коррупцияга қарши кураш бўйича барча давлатлар ва тегишли халқаро ташкилотлар билан конструктив ҳамкорлик қилишга тайёр. Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Соҳага оид бир қатор концептуал норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ва 2021 йил 6 июлдаги фармонлари ҳамда 2021 йил

6 июлдаги Қарори, Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши мурасасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди.

Давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш – жамият давлат органлари фаолияти ва улар эришган натижаларни очиқ муҳокама қилиш имкониятига эга.

Илк бор Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги фармонига асосан коррупциявий хавфларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш учун масъул бўлган алоҳида орган — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Коррупцияга қарши курашнинг энг самарали воситаларидан бири давлат хизматчиси ва фуқаро ўртасидаги тўғридан-тўғри муносабатни истисно қилувчи рақамлаштиришдир. Бу борада ҳам мамлакатимизда бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди.

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизими тубдан ислох қилиниб, 300 дан ортиқ турдаги давлат хизмати аҳолига қулай ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширилмоқда. Ер участкалари ва давлат активларини, шунингдек, автотранспорт воситалари учун давлат рақам белгиларини онлайн аукционда сотиш тизими йўлга қўйилди.

Давлат харидлари тўғрисида маълумотлар d.xarid.uz сайтига жойлаштириб борилмоқда. Мазкур чоралар коррупция ҳолатларининг олдини олувчи очиқлик ва шаффофлик ҳамда жамоатчилик назорати принципини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқин истиқболда коррупцияга қарши курашнинг янада самарали чоралари ишлаб чиқилмоқда. Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестрини шакллантириш, коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, ушбу жараёнда жамоатчилик назоратини кучайтириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда коррупцияга оид жиноятлар бўйича ҳуқуқий статистикани юритишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Жиноят кодекси лойиҳасида “коррупцияга оид жиноятлар” тушунчасига аниқ таъриф берилди ва 15 турдаги жиноят бу тоифага киритилди. Коррупцияга оид жиноятлар учун жазо чоралари кескин кучайтирилмоқда.

Шунингдек, бундай жиноятларини содир этган шахслар жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинмаслиги ва жазо енгилроғи билан алмаштирилмаслиги ва бошқа қатор долзарб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда ҳар битта ваколатли органлар санаб ўтилган.

Бироқ жамиятда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ҳар бир шахснинг ўз ўрни бор.

Коррупцияга қарши курашда ҳар бир фуқаронинг ўзига хос масъулияти мавжуд. Бинобарин, коррупцияга барҳам бериш нафақат давлатнинг, балки бутун жамиятнинг манфаати ва вазифасидир.

Бу муаммо ҳар бир фуқарони ташвишга солиши, ушбу иллатга қарши курашда ҳеч ким четда турмаслиги керак. Жамият ва давлат тараққиёти, тинчлик ва хавфсизлик йўлида коррупцияга қарши курашда бирлашиш давр тақозосидир.

Ҳурматли ватандошлар фақатгина бир мушт бўлиб коррупция иллатини йўқотиш мумкин, бунинг учун эса ҳар биримиздан қатъият ва келажак авлодлар олдидаги масъулиятни ҳис қилиб бир жону, бир тан бўлиб ҳаракат қилишимиз талаб этилади.